
ФУРҚАТ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ЭСКИРГАН ВА ЎЗ АҲАМИЯТИНИ
ЙЎҚОТГАН ҚАРОРЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ
ТУҒРИСИДА ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ



FARG'ONA VILOYATI FURQAT TUMANI HOKIMINING QARORI

2021 йил «29» июнь

6-11-164-Q/21

Фурқат туман ҳокимлиги

Фурқат тумани ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони билан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.
2. Туман ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Туман ҳокимлиги Матбуот хизмати (Ё.Исоқов) мазкур қарорни расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Орипов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ж.Жуманов



XALQ DEPUTATLARI FURQAT TUMAN KENGASHINING QARORI

2021-yil 9 - iyun

VI/XXIX-158-son

Халқ депутатлари Фуқрат туман Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6 ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони билан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Халқ депутатлари туман Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Туман ҳокимлиги Матбуот хизмати (Ё.Исоқов) мазкур қарорни расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси раиси М.Рўзиева зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси
туман ҳокими



Ж.Жуманов



Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2021 йил 9 июндаги
4/XXXIX-158-сонли қарорига
илова

**Халқ депутатлари туман Кенгашининг ўз кучини йўқотган деб
эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг 2012 йил 16 январдаги XIII-39-сонли Фурқат тумани маҳаллий бюджетининг 2012 йилги параметрлари тўғрисида”ги қарори.
2. Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг 2012 йил 29 декабрдаги XVII-60-сонли Фурқат тумани маҳаллий бюджетининг 2013 йилги параметрлари тўғрисида”ги қарори.
3. Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг 2013 йил 30 декабрдаги XXIII-85-сонли Фурқат тумани маҳаллий бюджетининг 2014 йилги параметрлари тўғрисида”ги қарори.
4. Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг 2014 йил 10 декабрдаги XXXX-227-сонли Фурқат тумани маҳаллий бюджетининг 2015 йилги параметрлари тўғрисида”ги қарори.
5. Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг 2015 йил 29 декабрдаги 42/XVIII-V-сонли Фурқат тумани маҳаллий бюджетининг 2016 йилги параметрлари тўғрисида”ги қарори.
6. Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг 2016 йил 30 декабрдаги XXXIII-V/67-сонли Фурқат тумани маҳаллий бюджетининг 2017 йилги параметрлари тўғрисида”ги қарори.
7. Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги V-XXXXVI-105-сонли Фурқат туман маҳаллий бюджетининг 2018 йилги параметрлари тўғрисида”ги қарори.
8. Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг 2018 йил 28 декабрдаги V-LX/165-сонли Фурқат тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилги параметрлари тўғрисида”ги қарори.
9. Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг 2019 йил 17 декабрдаги V-LXX/209-сонли Фурқат туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.



2021 YIL - YOSHLARNI QO'LLAB-QUVVATLASH
VA AHOLI SALOMATLIGINI
MUSTAHKAMLASH YILI

NAVBAHOR

E-mail: furqat-navbahor252@umail.uz
2021- yil 19- iyun,
shanba

Gazeta 2002- yil 12- fevraldan haftada bir marta chiqadi / № 20 (988)

Furqat tumani hokimligining ijtimoiy-siyosiy nashri

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФУРҚАТ ТУМАНИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ҚАРОРИ

2021 йил 2 июнь

27-сон

Фурқат тумани

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФУРҚАТ ТУМАНИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашига 2021 йил 30 май куни бўлиб ўтган бўшаб қолган ўринларга участка сайлов комиссиясининг сайлов натижаларини аниқлаш тўғрисидаги баённомаларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 22, 59, 96, 97 - моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Бўшаб қолган ўринга Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгаши депутатлигига 13-Сурпа сайлов округидан овоз бериш натижаларига кўра, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан номзод Жуманов Жаҳонгир Сабиталиевич 1682 та (81 фойз) овоз билан депутат этиб сайланган деб топилсин.
2. Мазкур қарор махаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.
3. Ушбу қарори ижросини назорат қилиш туман сайлов комиссияси раиси ўринбосари М.Холиқов зиммасига юклатилсин.

Туман сайлов
комиссияси раиси:

М.Рўзматов

"Ҳоким ва ёшлар"

Хабарингиз бор,
Ўзбекистон
Республикаси Вазиirlар
Мақамасининг 2021 йил
19 майдаги "Ўзбекистон
Республикаси давлат
мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан "Янги Ўзбекистон
ёшлари, бирлашайлик!" шiori остида Ёшлар ойлгини ташкил этиш ва
ўтказиш тўғрисида"ги 87-сонли мажлис баёни ижросини таъминлаш ҳамда
Фурқат туманида Ёшлар ойлгини кенг нишонлаш мақсадида жорий йилнинг
июнь ойи давомида "Ёшлар ойлги" ўтказилмоқда.

ФУРҚАТЛИК ЁШЛАР ТАШАБУСКОР, ҒАЙРАТЛИ ВА ШИЖОАТЛИ



"Ёшлар ойлги" доирасида "Ҳокимнинг ёшларга муносабати" лойиҳаси асосида туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов ёшлар билан учрашди. Учрашув аввалида туман раҳбари мамлакатимизда, жумладан туманда ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар учун барча шароит ва имкониятларни яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил тўхтади.

Таъкидланганидек, Фурқат туманида умумий аҳолининг 23 фоизини ёки 23 минг 79 нафарини ёшлар ташкил қилиб, айнан улар билан ишлаш, таълим ва тарбия бериш, имкониятлар яратиш орқали чинакам келажак авлодини шакллантириб бориш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жорий йилда ҳозирги кунгача секторларда жами 33 мартаба ёшлар билан учрашувлар ўтказилди.

Ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижасида "Ёшлар дафтари"даги 2037 нафар ёшлардан 1239 нафарининг бандлиги таъминланди. Жумладан, доимий ва вақтинчалик ишга жойлаштириш орқали 345 нафар, тадбиркорликка кўмаклашиш орқали 212 нафар, кишлоқ хўжалиги соҳасида 382 нафар, "Устоз-шогирд" аниқанаси доирасида хунармандларга бириктирилганлар 152 нафар, субсидия ажратилганлар 147 нафарини ташкил этади.

Учрашув давомида туман ҳокими ташаббускор, ғайратли ва шижоатли ёшларнинг 29 та таклиф, ташаббус ва муаммоларини диққат билан тинглади. Масалаларга дахлдор корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари томонидан ёшларнинг муносабатларини ижобий ҳал этиш чоралари кўрилади.

Тадбиркорлик, касаначилик йўналишларида кредит олиш истagini билдирган ёшларга туманда фойлият олиб бораётган тижорат банклари масул раҳбарлари томонидан имтиёзли кредитларни йўналтириш, бандлик, моддий ёрдам олиш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, туманда спортни оммалаштириш борасидаги муносабатлар ҳам тингланб, қисқа фурсатда ҳал этиш чоралари кўрилади.

Тадбир доирасида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ёшлар учун меҳнат армаркаси ҳам ташкилланди.



ГУЛЖАҲОН ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Жорий йилнинг 5-7 июнь кунлари юртимизда илк мартаба пойтахтимизнинг "Юнусов" спорт саройида қўл жанги бўйича Жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Юкори савияда ташкилланган ушбу чемпионатда "Кўкнобой" шаҳарчасида истиқомат қилувчи тумандошимиз Гулжаҳон Норматова муваффақиятли иштирок этиб, Республикаимиз шаънини муносиб ҳимоя қилди. 50 килограмм вазн тоифасида барча рақибларидан, финалда эса россиялик 8 қарра жаҳон чемпиони Олга Каралевадан устун келган Гулжаҳон чемпионатнинг олтин медалини кўлга киритди.

Жаҳон чемпиони Гулжаҳонни кутиб олиш тадбири ҳақиқий тантананага айланб кетди. Онда аззолари, ақиллари, кишлоқдошлари-ю, жамоатчилик вакиллари чемпион кизин карнай-сурнай садолари остида кутиб олдилар. Фурқат тумани ҳокими Жаҳонгир Жуманов ҳам барча сектор раҳбарлари билан биргаликда Гулжаҳон Норматовани табриқлаш учун унинг хонадонига ташриф буюрди. Туман раҳбари Гулжаҳонга гулдузда, унинг оиласига қимматбаҳо совғасини топширди. Туманимизни дунёга танитган, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган чемпионни табриқлаб, келгусида бундан ҳам юксак марраларни забт этишини тиллади.

Барҳаётжон ҚАХХОРОВ,
туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий
ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича
ўринбосари в.в.б.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ПРЕСС ТУР ВА МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Туманимизда бир гуруҳ журналист ва блогерлар учун навбатдаги пресс-тур ва матбуот анжумани ташкилланди. Журналист ва блогерлар Фурқат тумани ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий ишлари - "Навбахор" газетаси фойлияти билан танишди. ОАВ вакиллари томонидан газета фойлиятини янада яхшилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, обуначилар сонини кўпайтириш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Шундан сўнг Фурқат тумани ҳокими Жаҳонгир Жуманов иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Матбуот анжуманида журналист ва блогерлар томонидан тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маданий-маърифий тадбирлар кўлимини кенгайтириш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, туман ҳокими Фурқат туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, "Аёллар дафтари", "Темир дафтар" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқароларга кўрсатилаётган моддий ва маънавий ёрдамлар ҳақида атрофида маълумот бериб ўтди.

Ҳокимлик масъулияти ҳақидаги саволга туман раҳбари Ж. Жуманов: "Туман ҳокими бўлиб иш бошлаганимга бир ярим ойдан ошди. Шу вақт ичда бу лавозимнинг масъулияти катта эканлигини чуқур англадим. Авваллари битта йўналишда ишлаган бўлсам, бутун тумандаги ҳар бир соҳа, ҳар бир фойлиятни назоратга олишим, одамларни рози қилиш учун бор куч ва имкониятларни ишга солишим кераклигини англаган ҳолда, астойдил меҳнат қилишга интиляман", дея жавоб берди.

Матбуот анжумани ишчанлик руҳида, очик мулоқот тарзида ўтди.

ТУМАН ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

2021-10-09 09:49:37